



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

**Хоразм вилояти аҳолисида сўлак беzi ўсмаларининг учраш турлари ва патоморфологик хусусиятлари
Султанов Б.Б., Каримов Р.Х.**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Кириш. Сўлак беzi ўсмалари клиник амалиётда нисбатан кам учрайдиган, бироқ муҳим аҳамиятга эга патологик жараёнлардан бири ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, улар бош ва бўйин соҳасида учрайдиган барча ўсмаларнинг 3-6% атрофини ташкил этади. Морфологик хилма-хиллик ва клиник кечиш турли-туманлиги боис бу ўсмаларни ташхислашда қийинчиликлар мавжуд. Жаҳон адабиётида плеоморфик аденома энг кўп тарқалган ўсма сифатида кўрсатилган бўлиб, барча ўсмаларнинг 45–75% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, камроқ учрайдиган мономорфик аденома ва онкоцитар аденома (0,4-1%) ҳам қайд этилган. Хавфли ўсмалар орасида аденокарцинома ва недифференцияланган карциномалар клиник жиҳатдан энг хавфли бўлиб, улар тез ўсиши, метастаз бериш хусусияти ва ёмон прогноз билан ажралиб туради. Марказий Осиё мамлакатларида, айниқса Ўзбекистонда, бу соҳадаги маълумотлар чекланган. Минтақавий тадқиқотларнинг йўқлиги сўлак беzi ўсмалари ҳақидаги умумий статистикани нотўлиқ қолдирмоқда. Шу боис, Хоразм вилояти мисолида морфологик таҳлил ўтказиш ҳудудий ва миллий тиббиёт амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Сўлак беzi ўсмалари, патоморфология, плеоморфик аденома, мономорфик аденома, аденокарцинома, недифференцияланган карцинома, морфологик таҳлил, Хоразм вилояти.

Мақсад ва вазифалар. Хоразм вилояти аҳолисида сўлак беzi ўсмалари учраш турлари ва патоморфологик хусусиятларини ўрганиш.

Вазифалар: 1. Жарроҳлик йўли билан олинган ўсма намуналарини гистологик усулда таҳлил қилиш.

2. Ўсмаларнинг турлари ва локализациясини аниқлаш.

3. Бенин ва ёввойи ўсмалар нисбатини баҳолаш.

4. Морфологик кўринишлар асосида дифференциал ташхис мезонларини белгилаш.

5. Халқаро маълумотлар билан таққослаш орқали минтақавий хусусиятларни баҳолаш.

Материаллар ва методлар. 2023-2025 йилларда Хоразм вилояти тиббиёт муассасаларида жарроҳлик йўли билан олинган 48 та ўсма намунаси таҳлил қилинди. Беморлардан 3 таси аёл, 45 таси эркак эди.

Ташхислар таркиби:

- Плеоморфик аденома – 22 ҳолат (асосан паротид беzi, айрим ҳолатларда жағости беzi).

- Недифференцияланган карцинома – 4 ҳолат (ўнг танглай шиллик қавати ва пастки жағ).

- Аденокарцинома (I-стадия) – 3 ҳолат (чап паротид беzi).

- Мономорфик аденома – 1 ҳолат (чап жағости беzi). Методика:

- Намуналар 10% формалинда мустаҳкамланди.

- Парафин блоклар тайёрланиб, 4–5 мкм қириндилар олинди.

- Гематоксин-эозин (H&E) билан бўялди.

- Olympus BX51 микроскопида кўрилди.

- Морфологик баҳолашда ҳужайравий атипия, строма хусусиятлари ва ўсиш шакллари қайд этилди.

Натижалар:



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

Плеоморфик аденома (22 ҳолат): Барча ҳолатларнинг 45,8% ни ташкил қилди. Эпителий ва миоэпителий ҳужайралар аралашмасидан ташкил топган. Стромада миксоид ва хондроид участкалар учради. Асосан паротид безида кузатилди. Недифференцияланган карцинома (4 ҳолат): Ядро гиперхроматизми ва ҳужайравий атипия юқори. Безсимон дифференциация кузатилмади. Тез ўсувчан ва агрессив хислатларга эга. Аденокарцинома (3 ҳолат): Тубуло-ацинар тузилишлар ҳосил қилган. Ҳужайраларда плейоморфизм аниқланган. Оғир прогнозга эга ўсма сифатида баҳоланди. Мономорфик аденома (1 ҳолат): Бир хил эпителий ҳужайралардан ташкил топган. Яхши ажралган капсула билан чегараланган.

Муҳокама:

Тадқиқот натижалари Хоразм вилояти аҳолисида сўлак беши ўсмалари таркиби жаҳон адабиётида қайд этилган маълумотлар билан асосан уйғунлигини кўрсатди. Жаҳон адабиётида плеоморфик аденома барча ўсмаларнинг 45–75% ни ташкил қилиши кўрсатилган. Бизнинг натижаларда ҳам плеоморфик аденома 22 ҳолат (45,8%) билан энг кўп тарқалган ўсма тури сифатида қайд этилди. Недифференцияланган карцинома ва аденокарцинома умумий ҳолатларнинг 14,5% ни ташкил қилиб, агрессив морфология ва ёмон прогноз билан ажралиб турди. Мономорфик аденома эса кам ҳолатда учради. Онкоцитар аденома ва бошқа кам тарқалган ўсмалар қайд этилмади, аммо адабиётларда уларнинг 0,4-1% ҳолатларда учраши таъкидланган.

Хулосалар

1. Хоразм вилояти аҳолисида сўлак беши ўсмалари ичида плеоморфик аденома энг кўп учради (22 ҳолат, 45,8%).
2. Недифференцияланган карцинома ва аденокарцинома ёввойи ўсмалар сифатида 7 ҳолатда қайд этилди.
3. Мономорфик аденома фақат битта ҳолатда учради.
4. Морфологик таҳлил сўлак беши ўсмаларининг асосий ташхис ва прогностик мезони бўлиб қолмоқда.
5. Минтақавий маълумотлар халқаро адабиётда қайд этилган натижалар билан уйғунликда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sultanov BB, Karimov RKh, Babajanov AM. Pathomorphological Characteristics of Salivary Gland Tumors Among the Population of Khorezm Region. *Journal of Medical Genetics and Clinical Biology*. 2025;18(1):511-517. DOI: <https://doi.org/10.61796/jmgcb.v2i12.1448>
2. Sultanov BB, Karimov RKh. Frequency and Changes in the Occurrence of Salivary Gland Cancer. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*. 2025;41(2):242-248. <https://sjii.es/index.php/journal/article/view/449/502>
3. Sultanov BB, Karimov RKh. Influence of Environmental Factors on the Pathomorphological Features of Salivary Gland Tumors: Data from the Khorezm Region and Karakalpakstan. *Journal of Biomedical Sciences*. 2025;41(3):1-9. <https://wom.semanticjournals.org/index.php/biomed/article/view/500/431>
4. Sultanov BB, Karimov RKh. Pathomorphological Characteristics of Salivary Gland Tumors in the Population of the Khorezm Region. *International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies*. 2025;(4):15-17. <https://top-conferences.us/index.php/ICBPCS/article/view/2336>
5. Bokhari MR, Greene J. Pleomorphic Adenoma. *StatPearls* [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2023. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK430829/>
6. Brodetskyi IG, Dyadyk OO, Myroshnychenko MS, Zaritska VI. Morphological characteristics of pleomorphic adenomas of salivary glands (analysis of surgical material). *Wiad Lek*. 2020;73(11):2339-2344. <https://wiadlek.pl/wp-content/uploads/archive/2020/WLek202011103.pdf>